

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат


ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 4 октябрь
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 203 (2765)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING GAZETASI



«Ўзэксайд»: истиқбол пиллапояларида

Яқин ойлار ичида Жиззахда яна бир корхона «Ўзэксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлайди. Йилга бир миллион донга қўроғишли-кислотали аккумулятор ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхонада пардозлаш ва монтаж ишлари давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонида; қурувчи муҳандис Азамет Жандемр, механик Эрдуган Пилатин, лойиҳа раҳбари Халюк Баям ва қурилиш бўйича аккумулятор заводи директори муовини Парда Йўлдошев. Баҳром ТўРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни мuddатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ва “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунарига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилади.
2. 1974-1983 йилларда туғилган, чақириқ мuddатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2001 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мuddатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилади.
3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларини чақирилувчилар билан сифатли бўлаш мақсадида

жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишларини ташкил этсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2001 йил 2 октябрь.

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде сув тақчиллиги оқибатларини баҳолаш ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туманлари ҳокимлари иштирок этди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшма чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида”ги қарори ва Ҳукумат комиссиясининг шу йил 31 июлдаги мажлиси баённомасида кўрсатилган вазирларнинг бажарилишига оид масала муҳокама этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқари.

Кун тартибидеги масала юзасидан макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг раҳбари Б.Хужаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиёв ва Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамоминов маърузалар тингиланди.

Қайда этилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қуроқчилик ва сув тақчиллиги оқибатларини барқарор этиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, сифатли ичимлик сув билан барқарор таъминлаш, сув тақчиллиги туфайли қишлоқда вақтинча ишлаётган кишиларни иш билан таъминлаш бора-

қилинди. Хусусан, Амуларё туманида 49 фойз, Эллиқалъа туманида 52 фойз, Тахтақўпур туманида бор-йўғи 35 фойз маблағ ўзлаштирилган, холос.

Ҳукумат қарорига биноан, Хоразм вилоятида ҳам қўза тутилган режалар илҳал амалга ошириладигани қайда этилди. Чунончи, 1 миллиард 295 миллион сўм маблағнинг 995 миллиони жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ўзлаштирилди. Вилоятда 165 километр сув қувурлари ётқизилди, 35 та қудуқ қайта таъмирланди, 15 та янги қудуқ қазилди.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятига моддий-техник ёрдам кўрсатиш режаси ҳам амалга бажарилиди. Лекин Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Қўнғирот, Фарғона вилоятлари томонидан техник ёрдам кўрсатиш суусайтириб юборилди.

Йиғилишда тегишли вазирлик ҳамда туман ҳокимларининг ахборотлари тингиланди. Сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш чора-тадбирларини дастурини ҳаётга жорий этиш учун ажратилган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Қамоллов иштирок этди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА муҳбири.

Ижтимоий мажмуа мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йилнинг тўққиз ойлик иш фаолияти яқунлирига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, кўмита, уюшма, компания, концерн, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари Х.Қароматов бошқарган ушбу мажлисда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда “Она ва бола”, “Соғлом авлод” давлат дастурларининг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масалалар юзасидан соғлиқни сақлаш вазирлиги Ф.Назирова, олий ва ўрта махсуу таълим вазирлиги С.Ғуломов, маданият ишлари вазирлиги Х.Жўраев, Республика Мамлакат ва маърифат кенгаши котиби А.Болиев, “Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Б.Хусанбоев, давлат матбуот қўмитаси раиси Ш.Шоғуломов ва бошқалар ахборот берди.

(Давоми 2-бетда).

БУЮК БРИТАНИЯ БОШ ВАЗИРИ ВА ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТАСИДА ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

3 октябрь кун Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида қайд этилдики, Америка Қўшма Штатларида содир этилган мисли кўрилмаган дахшатли террорчилик ҳаракати халқро террорчилик ҳавфини барқарор этишда, бир сўз билан айтганда, бутун дунёда террорчиликни буткул йўқотишда барча мамлакатлар сайё-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади.

Бугунги кунда Афғонистон халқро террорчилик, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш марказига айлантирилган таъкилданди. Афғонистон ҳудудидаги террорчилар тайёрлаш базалари ва лагерларини йўқ қилиш бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Террорчилар тайёрлаш лагерлари ва базаларини йўқ қилиш учун барча манфаатдор томонларни, биринчи навбатда, Афғонистоннинг ўзидеги кучларни жалб қилиш ва бирлаштириш зарур, деган фикр билдирилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Буюк Британия Бош вазири ва Ўзбекистон Президенти бундан буён ҳам ўзаро мулоқот заруратини таъкидлаб, уни мунтазам давом эттиришга келишиб олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

3 октябрь кун Ўзбекистон парламентида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раисларининг, сиёсий партиялар депутатлик фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилик ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари раҳбарларининг, Олий Мажлис Котибияти бўлим раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов мажлисини очар экан, АҚШда рўй берган фожеали воқеалардан кейин жаҳонда юзга келаётган ҳарбий-сиёсий вазит муносабати билан барқарорликни ҳамда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида парламентнинг барча тузилмалари ишини қучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Миллат ҳам, дин ҳам танламайдиган терроризм бутун тараққийпарвар инсониятнинг душманига айланди. Шу сабабли бу иллатга қарши курашда ҳеч ким четда турмаслиги керак. Парламент раҳбари Олий Мажлис депутatlари ва Олий Мажлис Котибиятининг масъул ходимлари эътиборини давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашиларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши қароридан келиб чиқадиган вазифаларга қаратди.

Кенг қамровли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, тинчлик ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов тутган йўлни тўлиқ қўллаб-қувватлаш зарурлигини, шунингдек, қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан парламент тузилмаларига таллуқли бўлган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мажлис қатнашчилари ҳозирги вазиятда миллий хавфсизликни ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов тутган йўлни тўлиқ қўллаб-қувватлаш зарурлигини, шунингдек, қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан парламент тузилмаларига таллуқли бўлган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ислам эмас, терроризм — озодлик душманидир

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулodда ва мухтор Элчиси Жон Хёрбст:

Шу йилнинг бошларида АҚШ элчихонаси Тошкентда «Ислам ва замонавий жамият» мавзусида анжуман ўтказган эди. Анжуман давомида Вашингтондаги Жоржтаун университетининг имом-хатиби Яхё Хенди анжуман иштирокчиларига Ислам Америкадаги энг тез ўсётган ва энг оммивий динлардан бири эканлиги ҳақида гапириб ўтган эди. Имом Хенди Қўшма Штатлар бўйлаб 6 миллионга яқин мусулмонларнинг икки миндан ортиқ масжидларга доимий равишда қатнаб туришларини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. 26 сентябрь кун АҚШ Президентини Жорж Буш Америкадаги Ислам жамоаларининг раҳбарлари билан баъзи масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олиш ва уларга барча ёрдамлари учун миннатдорчилик изҳор этиш мақсадида учрашди.

Террористик ҳуружлар содир этилгандан сўнг ўтказилган Конгресснинг қўшма комиссияси қилган маърузасида, Президент Буш бутун дунёдаги мусулмонларга қарата мурожаат қилди. Унда Президент шундай деди: «Биз сизнинг эътиқодингизга ҳурмат билан қараймиз. Миллионлаб америкаликлар ҳамда Америка дустлари бўлган бошқа давлатлардаги миллионлаб кишилар Исламга эътиқод қилдилар. Ислам динининг таълимотлари эзгулик ва тинчликка чорлайди. Американинг миллионлаб мусулмон дустларимиз эмасдир. Бизнинг душманимиз — террористларнинг радикал тармоғидир».

Шу йилнинг 17 сентябрь кун Президент Буш ўзининг Вашингтондаги Ислам марказига қилган таширфини чогиде мусулмон ва араб миллатига мансуб америкаликларни камситётган айт-ним америкаликларнинг ай-ти-ҳаракатларини кескин қоралади ва уларни амалга ошираётган кимсаларни «бутун инсониятнинг энг ёмон намоёндаларидир» деб атади. Бу Президент Бушнинг АҚШдаги сўнғги пайтларда содир этилган хурофотларни кескин қоралаш билан баёнотларидан бири эди.

Президентнинг бу баёнотлари кенг омма, жумладан, кўплаб мусулмон ва араб миллатига мансуб америкаликлар гуруҳлари томонидан илҳол оқинилар билан қарши олинди. АҚШ маъмурияти аъзолари, жумладан, араб-америкаликлар жамоаларининг ақлия вазири Жон Эшкорт 11 сентябрда содир этилган хурождар муносабати билан бу каби хурофотларга йўл қўётган шахсларни оғоҳлантириб қўйди.

Меннинг ҳукуматимнинг бундай хурофотларга қарши олиб бораётган ҳаракатлари қаторида оддий фуқароларнинг турли эътиқод ва насл-насабга тегишли бўлган ин-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.

Оналик ва болалик муҳофазаси — давлат эътиборида

Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломов бошқарган мажмуа йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти ҳамда мажмуа тасаруфидеги ташкилотларнинг 2001 йилнинг тўққиз ойи давомидаги фаолияти натижалари, шунингдек, “Соғлом авлод” ҳамда “Она ва бола” давлат дастурларини ажросининг тўққиз ойлик яқунлири тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш мажмуи котибияти мудири Т.Норбоева шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда бугунги кунда жамиятимизда оналик ва болалик манфатларини таъминлаш юзасидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишлар узининг ижобий самарасини беришти, жумладан, ўтган даврда оилавий ажримлар ва ёлғиз оналар сони камайди. Туғиш ёшидаги аёлларнинг соғломлаштириш режаси бўйича уларни тиббий куриқдан ўтказиш ва қасаллини аниқланганларини даволашга жалб қилиш давом эттирилди. Болалар ўлими анча камайгани кузатилди. Жойлардаги меҳнат бўлимларига мурожаат қилган ишсиз аёлларнинг аксари иш билан таъминланди. Хотин-қизлар ўртада тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан муайян тадбирлар ўтказилди.

Жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳам-

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

АҚШ атрофидаги гаплар

● Кеча хоризк матбуотида АҚШнинг халқро террорчиларга қарши ҳарбий амалиётларга ўтказишга оид фурут қолганлиги алоҳида таъкидланди. Аммо Оқ уй мулозимлари Пентагоннинг 4ч охиш режаси ҳамон бошлангани хусусида расмий ахборот беришгани йўқ. Айни масалада таъкидланган БМТ Бош котиби Кофи Аннан терроризмга қарши курашда халқро ҳамжамиятга аъзо 189 давлат масъуллигини алоҳида уруғлади.

● «Франс пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, ўтган сешанба кун АҚШ сенати мамлакатнинг ҳарбий харajatлари учун 345 миллиард доллар ажратилганлиги ҳақидаги буйруқни яқдиллик билан тасдиқлади.

● АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Американинг бунажак қарши ҳужумлари олдидан Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қисқа фурутли сафарга чиқди, деб хабар беради «Вашингтон пост» газетаси. Ушбу хабарда айтилишича, Пентагон намоёнлиги бир қатор Шарқ мамлакатларига таширф буюради.

● Forbes журналида ёзилганича, 11 сентябрь фожеасидан америкалик 50 нафар миллионлард мисли кўрилмаган иқтисодий зарар кўрган. Улар жами 44 миллиард доллар йўқотишган. Биргина дунё бойларининг энг катта қорча-

Германияда бирдамлик байрами

Кеча ГФРда миллий байрам — Германия бирдамлиги кунини нишонланди. Мамлумки, 1989 йилнинг 9 ноябрда бир халқни иккига ажратиб турган Берлин девори куларган эди. Лекин аслида бирлашуш бу воқеадан деярли бир ой муқаддам, 3 октябрь кунини рўй берган. Айнан шу кунини Фарб ва Шарқнинг бирлашиши тўғрисидаги ҳужжатта нмзо чекилганди.

Германия бирдамлиги кунини миллий байрам сифатида 1991 йилдан буён нишонлаб келинади. Бу йил немис халқи уни

Ечимдан дарак йўқ

Яқин Шарқда яна уруш оловни қайтадан аланга олмоқда. Гуё бу ерда уруш ҳаётини эътибга айлантириб қолгандай. Туғри, АҚШдаги 11 сентябрь фожеаларидан сўнг мажмуа миқтақда бир оз осойишталик кузатилган эди. Бироқ шу кунларда жаҳон матбуоти яна ноҳус хабарлар тарқатмоқда. Маълум бўлишича, кеча Исроил қаршибийлари Газа секторига қарши ҳужум уюштирган. Натияжада беш нафар фаластинлик қурбон бўлиб, бир қанча киши оғир тан жароҳати олган. Ҳозирда икки томон ўртасида учрашуш ва музокаралар тўхтаб қолган йўқ. Аммо айни мулоқотлар самарасиз яқунланаяпти.

Сўнғи сонларда...

Покистон Президентини генерал Парвез Мушарраф ҳозирда Рамда муҳофазатда яшатишган Афғонистоннинг соғлиқ қирғоли Зоҳар шох билан учрашиш истисга боришини билдириди.

Кеча Россия прокуратураси ходимлари айриқ тадбиркор Борис Березовскийни мажбурий сўроққа олаб келиш ҳақида ордер ёзишди.

Об-ҳавонинг ноқулай келиши муносабати билан «Курск» атом суности кемасини ер юзига олиб чиқиш амалиёти яна намоълум мuddатга қолдирилди.

Мухрланган лаҳзалар қадри

Республикамизда аён-аёнда сураткашлик санъати асарларининг кўргазмалари уюштириб турилади. Шу муносабат билан бир ҳолат ҳамisha мени таажжублантиради. Бу кўргазмаларнинг асарияти — тарихий сураткашлик ютуқлари...

ёки Ўзбекистон фотосанъати ҳақида ўйлар

Тай олиш керак: бундай кўргазмалар керак. Айниқса, улар — дунё сураткашлик санъати ютуқларининг тарғиб этса. Ҳар хил мамлакатларнинг сураткашлик ўзгаришлари ўзлари ишлаган суратлар воситасида мамлакатлари ҳаёти ва ўз ватандошлари тўғрисида бизга қизиқarli хикоя қилдилар.

Бундай кўргазмалар инсон қарашини бойтади, кенгайтиради, кишининг хаёл ва таассуротлар оламиини бойтади.

Шу билан бирга, ушбу кўргазмалар савол ҳам уйғотади. Масалан, бизда, Ўзбекистонда ҳам шундай улкан кўргазмаларга муносиб фотосанъат бойликлари йўқми, деган саволни...

XX асрда Ўзбекистон бой, мураккаб тарихини босиб ўтди. Бу тарих — тарихий тадқиқотларда, бадиий асарларда, тасвирий санъатда ҳар гал ўзига хос ва турли қўламларда акс этган. Бундан кечган тарихимиз — сураткашликда ҳам жонланганлигини унутмайлик. Фақат — масалага кенгроқ қараш лозим: сураткашлик — ёлғиз газета ва журналларда мот этилган фотомухбирлик ишларигина эмас. Республикамизда сураткашликнинг бошқа йўналишлари ҳам етарли ривожланган.

Жумладан, ҳужжатли ва хроникал киносанъатимиз хазинасини олайлик. Аср бошида машҳур ва ўз ишига фидойи киносанъаткор Худойберди Девоновдан қолган бисот, ўтган 70-80 йил мобайнида бошқа доврўқли кинооператорларимиздан қолган ишлар — ноиб мерос-ку!

Тарих, адабиёт, табиатшунослик, геология соҳаларида доир музейларда қанча фотосанъат асарлари бор! Хивада тарих музейида ҳатто XX аср бошида ўтган Хива хоналари, уларнинг зурриёллари фотопортретлари, ҳаётларининг турли лаҳзалари муҳрланган суратлари кўриб қаршисида жиполмай, хайратдан лол турасиз. Аммо уларни кенг омма кўрмаган. Улар — миллий тарихимиз давҳалари. Шунинг ўзи Ўзбекистон фотосанъати кўргазмаларини кенг миқёсда уюштириб туриш заруриятининг кўндаланг қўяди.

Ўзбекистон Ахборот агентлиги хазинасида ҳам неча ўн йилларнинг сураткашликдан қолган бисот йўқ эмас. Газе-

талар ва журналларимизда моҳир ва атоқли сураткашлик ишлаган. Аммо уларнинг бисотидан эл беҳабар.

Газеталарда турли даврларда И. Глауберзон, Пенсон, Б. Сироткин, Абдуқатор Турев ва бошқа яна қанчалар-қанча сураткашлик XX асрдаги тарихимизни ўз сураткашлик тасмаларида муҳрлаб қолдирган. Жумладан, 60-йилларда Абдусаттор Туревнинг фарзандлари, кейин неваралари оила бошлиғи изидан бориб, бутун бошлиқ сураткашлик сулоласини вуҳудга келтирдилар. Бугун халқимиз шу сулоланинг Абдуҷаббор Турев, Абдувоҳид Турев, Камолиддин Турев каби янги вақилларининг фото ишлари билан яхши таниш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон фотомухбирлик санъати ҳам ўзининг «иккинчи ҳаёти»га эришди десак, янглишмаймиз. Утган 10 йил мобайнида босиб ўтилган янги тарихимизнинг беҳисоб эса қоларли, сермазмун, ҳаяжонли лаҳзалари фотосанъат асарларида абдилайта муҳрланди. Улар махсус мазмуни ва муаллифлик кўргазмаларига бой бисот берди. Худди шу даврда алоҳида ихлос билан, зарғорона маҳорат кўрсатиб меҳнат қилган


Абдувоҳид Туревнинг сураткашлик асарлари — мустақиллик даврида Ўзбекистон фотосанъатининг ўзига хос асарлари сифатида халқаро мукофотларга сазовор бўлди. 1997 йилда Японияда ЮНЕСКОнинг Осие ва Тинч Океани ҳавзаси мамлакатлари маданий маркази уюштирган «Анъанавий санъат ва халқлар» мавзусидаги фототанловда «Доира жаранги» фото асари билан қатнашиб, «Энг жозибадор суратлар» номинацияси бўйича юқори соҳринга лойиқ топилиди. 1999 йилда яна шу халқаро танловда, юқоридаги номинация бўйича «Юртим совғаси» фотосанъати голиб деб топилиди. Бу изланувчан, салоҳиятли сураткашлик 1997 йилда «Йилнинг энг яхши журналисти» номга сазовор бўлди. 1998 йилда «Шуҳрат» медални билан тақдирланди.

Бугунги кунда «Ўзбекинохроника», «Ўзбектелефильм» операторлари мустақил Ўзбекистоннинг сермазмун сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти манзараларини ёрқин акс эттирган ҳужжатли кино ва телефильм асарларини халқимизга ҳаля этмоқдалар. Айрим ҳужжатли телефильмларимиз чет элларда ҳам намойиш қилинди. Бу икки ижодий даргоҳда нафақат бизда, балки халқаро кўргазмаларда намойиш этса арзийдиган, томошабинлар ҳайратланиб кўрадиган сураткашлик асарлари бисер.

Хуллас, катта тарихли, бой мазмуни миллий фотосанъатимиз борки, унинг фаолият тарғиботга, ташвиқотга арийди. Фотосанъат асарлари



«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси фотомухбири Солиқжон Маққамов Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ахборот агентлиги фотомухбири Рўздат Жуманиёзов Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонларига муяссар бўдилар. Уларнинг ҳар бири алоҳида муаллифлик кўргазмаларини ўтказса арзийдиган бой ва қизиқarli сураткашлик асарлари хазинасига эга.




ТС-ТЕХНОЛОГИЯ

КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, "Пойтахт" Бизнес мажмуи, Фарбий томон, 2-йўлак, Офис 29.30
Тел: 137-72-91, факс: 137-72-92.
Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 222.
Тел: (3662) 22-09-54, 22-24-75.
E-mail: tstech@tstech.uz



Оқилона баҳодаги катта имкониятлар



2002 йил учун Эдмунд С. Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти магистратура Дастури

АҚШ Давлат Департаментининг Таълим ва маданият ишлар бюроси, Америка халқаро таълим Кенгаши АСТР/АКСЕЛС ва Сорос/Очиқ Жамият Институтининг 2002 йил учун Эдмунд С. Маски/Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти магистратура Дастурини мамнуният билан эълон қилади. Бу дастур МДХ фуқароларига АҚШ университети ёки коллежида икки йилгача бўлган магистратура даражасини олиш учун грантлар беради.

- АНКЕТАЛАР КҮЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА КАБУЛ ҚИЛИНАДИ:**
- Бизнес бошқаруви
 - Иқтисодиёт
 - Таълим
 - Атроф-муҳитни ўрганиш
 - Халқаро муносабатлар
 - Оммавий сиёсат
 - Журналистика
 - Хуқуқшунослик
 - Кутубхона ва ахборот тизимлари
 - Оммавий бошқарув
 - Оммавий саломатлик

- Дастурда қатнашиш талаблари:**
- Ўзбекистон фуқароси
 - Анкета топшириш вақтида қирқ ёшгача бўлган
 - Бакалавр дипломига эга бўлган
 - Анкета топшириш вақтида оғзаки ва ёзма инглиз тилини мукамал биладиган
 - Ўз мутахассислиги йўналишида юқори малакали ва раҳбарлик салоҳиятини намойиш эта олган
 - АҚШда ўқув алмашуви 2002 йилнинг ёзида бошлай оладиган
 - АҚШ нинг J-1 визасини олиш талабига жавоб берадиган шахслар.

Анкетاداги барча формалар тўлдирилиб, қуйидаги офислардан бирига 2001 йилнинг 26 октябригача топширилиши лозим.

Бу дастур иштирокчини ирқи, миллати, танасининг ранги, дини, жинси, ногиронлиги асосида ажратмайди.

Анкета ва маълумот учун телефон рақамлар:
АКСЕЛС Тошкент: (371) 152-1281/6; 152-2407, АКСЕЛС Нукус: (36122) 2-89-57,
АКСЕЛС Наманган: (36922) 6-27-50, АКСЕЛС Самарқанд: (3662) 31-18-16,
АКСЕЛС Бухоро: (36522) 4-22-46.
Анкеталарни www.actr.org «Интернет»даги саҳифамиздан ҳам олишингиз мумкин.

2002 йил учун олий ўқув юртлари ёш ўқитувчиларининг малакасини ошириш Дастури

АҚШ Давлат Департаментининг Таълим ва маданият ишлар бюроси ва Америка халқаро таълим Кенгаши АСТР/АКСЕЛС 2002 йил учун олий ўқув юртлари ёш ўқитувчиларининг малакасини ошириш Дастурини мамнуният билан эълон қилади. Бу дастур малакали университет ўқитувчиларига Американиннг коллеж ёки университетда ўқитиш методи ва ўқув режасини ривожлантириш бўйича тренинг ўтиш имконини беради.

- АНКЕТАЛАР КҮЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА КАБУЛ ҚИЛИНАДИ:**
- Бизнесни бошқариш
 - Атроф-муҳитни ўрганиш
 - Кутубхонашунослик
 - Оммавий сиёсат
 - Тарих
 - Иқтисодиёт
 - Журналистика
 - Сиёсатшунослик
 - Оммавий бошқарув
 - Лингвистика
 - Таълим бошқаруви
 - Хуқуқшунослик
 - Психология
 - Социология
 - Адабиёт
 - Маданий антропология
 - Фалсафа
 - Санъат бошқаруви
 - Америкашунослик
 - Архитектура ва шаҳар режалаштириш

- Иштирок этиш учун талаблар:**
- Ўзбекистон фуқароси
 - Бакалавр, Магистратура ёки Фанлар номзоди (номзодлик) даражасига эга бўлган
 - Ҳозирда олий ўқув юртларида ўқитувчи бўлиб ишлаётган
 - Анкета топшириш вақтида қамиди икки йиллик ўқитувчилик тажрибасига эга бўлган
 - Анкета топшириш вақтида оғзаки ва ёзма инглиз тилини мукамал биладиган
 - АҚШда ўқув алмашув дастурини 2002 йилнинг август ойида бошлай оладиган
 - АҚШ нинг J-1 визасини олиш талабига жавоб берадиган шахслар.

Анкетاداги барча формалар тўлдирилиб, қуйида кўрсатилган офислардан бирига 2001 йилнинг 7 декабригача топширилиши лозим.

Бу дастур иштирокчини ирқи, миллати, танасининг ранги, дини, жинси, ногиронлиги асосида ажратмайди.

Анкета ва маълумот учун телефон рақамлар:
АКСЕЛС Тошкент: (371) 152-1281/6; 152-2407, АКСЕЛС Нукус: (36122) 2-89-57,
АКСЕЛС Наманган: (36922) 6-27-50, АКСЕЛС Самарқанд: (3662) 31-18-16,
АКСЕЛС Бухоро: (36522) 4-22-46.
Анкеталарни www.actr.org «Интернет»даги саҳифамиздан ҳам олишингиз мумкин.

2002 йил учун Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти олий ўқув юртлари талабалари Дастури

АҚШ Давлат Департаментининг Таълим ва маданият ишлар бюроси, Америка халқаро таълим Кенгаши АСТР/АКСЕЛС ва Ёшларни тушуниш учун ташкилоти 2002 йил учун Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти олий ўқув юртлари талабалари Дастурини мамнуният билан эълон қилади. Бу дастур МДХ фуқароларига АҚШ университети ёки коллежида бир ўқув йили давомида таҳсил олиш учун грантлар беради.

- АНКЕТАЛАР КҮЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА КАБУЛ ҚИЛИНАДИ:**
- Қишлоқ ҳўжалиги
 - Америкашунослик
 - Сиёсатшунослик
 - Компьютер таълими (1-курс талабалари)
 - Журналистика
 - Таълим (2-3-курс талабалари)
 - Социология
 - Бизнес бошқаруви
 - Халқаро муносабатлар
 - Иқтисодиёт

- Дастурда қатнашиш талаблари:**
- Ўзбекистон фуқароси
 - Анкета топшириш ва танлов жараёнида Ўзбекистонда яшаётган ва ўқийётган
 - Анкета топшириш керак бўлган охириг кунга 17 ёшдан 23 ёшгача бўлган
 - Анкета топшириш вақтида Бакалавр даражасини берувчи Олий ўқув юртининг 1 чи, 2 чи ёки 3 чи курс талабалари бўлган
 - Анкета топшириш вақтида оғзаки ва ёзма инглиз тилини мукамал биладиган
 - АҚШда ўқув алмашув дастурини 2002 йилнинг август ойида бошлай оладиган
 - АҚШ нинг J-1 визасини олиш талабига жавоб берадиган шахслар.

Анкетاداги барча формалар тўлдирилиб, қуйида кўрсатилган офислардан бирига 2001 йилнинг 2 ноябригача топширилиши лозим.

Бу дастур иштирокчини ирқи, миллати, танасининг ранги, дини, жинси, ногиронлиги асосида ажратмайди.

Анкета ва маълумот учун телефон рақамлар:
АКСЕЛС Тошкент: (371) 152-1281/6; 152-2407, АКСЕЛС Нукус: (36122) 2-89-57,
АКСЕЛС Наманган: (36922) 6-27-50, АКСЕЛС Самарқанд: (3662) 31-18-16,
АКСЕЛС Бухоро: (36522) 4-22-46.
Анкеталарни www.actr.org «Интернет»даги саҳифамиздан ҳам олишингиз мумкин.

